

1930 йил
12 МАЙДАН
ЧИҚА
БОШЛАГАН



Ўзбекистон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИБ НАШРИ

№№ 47—48 (2688—2689)
1994 йил, 24 июнь.

Тошкент шаҳрида
соғува баҳоси
300 сўм.

26 июнь — Халқаро гиёҳвандлик
моддаларига қарши кураш кун

Оғунинг йўли тўсилади

ХЕЧ ҚАНДАЙ шак-шубҳасиз, ҳозирги дунёда пайдо бўладиган табиий ва ижтимоий кулфатлар орасида гиёҳвандлик моддаларини истеъмол қилиш ва уларни гайриқонуний сотиш жамиятга ижтимоий, иқтисодий ва маънавий жиҳатдан оғир зарар келтираётган кулфатдир.

Жиноий ҳуқуқ бўйича таниқли мутахассис криминолог Жан Гровен шундай деган эди: "Ҳозирги пайтда гиёҳвандлик моддалари савдоси кишини киши эксплуатация қилишининг энг даҳшатли шаклларида бирига айланди, лекин ҳали ҳеч ким уни ўз номи билан, яъни **инсониятга қарши жиноят** деб атамаган".

Саломатликка тузатиб бўлмайдиган зарар етказишдан ташқари, гиёҳвандликнинг ижтимоий хавфлилиги шундаки, у турли хил, кўпинча оғир жиноятлар содир этилишига имкон яратувчи муҳим жиноий омил ҳисобланади. Гиёҳвандликка мубтало бўлганларда ўзининг хатти-ҳаракатини назорат қиладиган ирода кучи анча заифлашган бўлади, бу эса уларнинг турли жиноятлар содир этишини енгиллаштиради. Бунинг устига гиёҳвандлик моддаларига бўлган талаб тегишли таклифни юзага келтиради, у ёки бу жиноий фаолият: таркибда гиёҳвандлик моддалари бўлган ўсимликларни экиш, гиёҳвандлик моддаларини тайёрлаш, ташиш, сотиш ва ўғирлаш унинг манбаи бўлиб ҳисобланади. Гиёҳвандлар кўпинча жиноятларнинг қурбони ҳам бўладилар.

Жаҳон ҳамжамияти томонидан ҳозирги пайтда олиб борилаётган кураш кишиларнинг соғлиги ва ҳаётини бузадиган оғу оқимининг йўлини тўсишга қодир эмас. Фан ва техника ютуқлари, баъзи табиий гиёҳвандлик моддаларининг ўрнини босадиган синтетик моддаларнинг пайдо бўлиши, транспорт воситалари ва халқаро савдонинг ривожланиши гиёҳвандлик моддаларининг гайриқонуний айланишига қарши кураш муаммосини анча юқори даражага кўтарди. Шу муносабат билан кўп йиллар давомида миллий ва халқаро ташкилотлар, асосан БМТнинг махсус назорат идоралари раҳбарлигида олиб борилаётган кенг миқёсли фаолият алоҳида ўрин тутди.

БМТнинг 1946 йилда тузилган Гиёҳвандлик моддалари бўйича комиссияси гиёҳвандлик моддаларини халқаро миқёсда назорат қилувчи ана шу ташкилотнинг асосий ўзагини ташкил этади. 1961, 1971, ва 1980 йилги битимлар унга энг муҳим вазифаларни ишониб топширди. Гиёҳвандлик ва доривор моддаларга доир халқаро битим ва шартномаларга амал қилинишини кузатиш, байналмилал назорат тизимида юз бериши мумкин бўлган ўзгаришларни ўрганиш, гиёҳвандлик моддалари билан боғлиқ ҳуқуқ бузишларга қарши курашнинг боришида халқаро фаолиятни кучайтириш чоралари тўғрисида тавсиялар бериш, шунингдек янги битимларни ишлаб чиқиш вазифалари шулар жумласидандир. Айни шу комиссия Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг тавсиялари бўйича халқаро назорат остига олинган ва тегишли тарзда туркумларга ажратиладиган моддаларга оид қарорлар қабул қилади.

Кейинги вақтда мустақил давлатимиз ана шу ишда борган сари фаоллик билан қатнашмоқда. Дунёда юз бераётган жаҳоншумул сиёсий ўзгаришлар-ва шаклланаётган халқаро вазият Ўзбекистонни гиёҳвандлик моддаларининг Осиё қитъасида гайриқонуний айланишига, уларни Осиё мамлакатларидан Европага олиб ўтилишига қарши иш юритаётган мамлакатлар қаторига олиб чиқмоқда. БМТ Бош ассамблеясининг 48-сессиясида Президент И. Каримов бу муаммонинг муҳимлигини алоҳида таъкидлади. Президентнинг наркобизнесга қарши курашда биргаликдаги куч-ҳаракатларни мувофиқлаштириш учун Марказий Осиёда БМТнинг минтақавий комиссиясини тузиш ҳақидаги таклифи муҳим ва ўз вақтида айtilган таклиф бўлди.

Таклиф қилинган кўп нарсалар ўша заҳотиёқ амалиётга татбиқ этилаётгани умидвор қилади. Вакилларимиз ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг Италияда бўлган, гиёҳвандлик моддаларининг гайриқонуний айланишига қарши кураш масалаларига бағишланган иккинчи анжуманида, БМТнинг Осиё ва Тинч океан мамлакатлари учун ихтисослаштирилган ташкилотларининг ана шу муаммога бағишлаб Корея Республикасида ўтказилган минтақавий кенгашида иштирок этдилар. Бундай ҳамкорликни кенгайтириш, наркобизнесга қарши жаҳон миқёсидаги курашда амалда иштирок этиш манфаатлари Ўзбекистонни гиёҳвандлик воситалари тўғрисидаги 1961 йилги Ягона Конвенцияга, психотроп моддалар тўғрисидаги 1971 йилги Конвенцияга ҳамда гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг гайриқонуний айланишига қарши кураш тўғрисидаги 1988 йилги БМТ Конвенциясига тезроқ қўшиш заруратини юзага келтирди.

Яқинда Ўзбекистонга БМТ Бош қотибининг ўринбосари, гиёҳвандлик воситалари устидан назорат қилиш бўйича БМТ Халқаро дастурининг ижрочи директори Ж. Жакомелли бошчилигида БМТ делегацияси келди. Ташриф давомида гиёҳвандлик моддаларини назорат қилиш бўйича БМТ Халқаро дастури билан бирга ишлаб чиқилган ҳужжат имзоланди. Унда ташкилий тузилмалар барпо этиш, гиёҳвандлик ва наркобизнесга қарши курашни кучайтиришда республика вазирлик ва идоралари фаолиятини мувофиқлаштиришни яхшилаш, шунингдек ҳар томонлама техника ёрдами кўрсатиш кўзда тутилди.

Бугунги кунда, бир неча йилдан бери муттасил давом этиб келаётганидек, Ўзбекистон Республикасининг ички ишлар идоралари "Қорадори-94" деб номланган йirik миқёсли тадбирни ўтказиб келмоқдалар. Бу тадбир ўз ичига таркибда гиёҳвандлик моддалари бўлган экинларни гайриқонуний парваришлаш, гиёҳвандлик моддаларини ташиш ва сотишга қарши қаратилган ташкилий, профилактик чора-тадбирларни олади. Каттагина куч ва воситалар, маҳаллий ҳокимият идоралари, жамоатчилик ишга солинди. Оғунинг йўли тўсилади деб ишонч билан айта олиш учун ҳамма иш қилинмоқда.

КУНУ ТУН ХИЗМАТ бурчини астойдил ўтаётган пойтахт милицияси ходимлари кундалик вазифаларни бажаришдан ташқари турли тезкор тадбирларни ҳам ўтказиб боришяпти. Бу содир этилган жиноятнинг тезроқ фош этилиши ва кўпгина қонунбузарликларнинг ўз вақтида олди олинишига сабаб бўлмоқда.

Куни кеча кенг қамровли яна бир тезкор тадбир ниҳоясига етди. У ИИБ бўйруғига асосан Тошкент шаҳар ИИБ ва Транспорт милицияси ҳамкорлигида ўтказилди. "Тозалаш" деб номланган ушбу тадбир 10 кунга мўлжалланган бўлиб, кунига 6 мингга яқин милиция ходимлари иштирок этишди. Бу

текширув ишлари вақтида уларнинг турар-жойларидан "Вольво" автомашинаси ҳам топилди. Буни жиноий гуруҳ аъзолари ўтган йилнинг октябрь ойида, 1969 йилда туғилган фуқародан босқинчилик йўли билан тортиб олишиб, Қорақалпоғистоннинг Бериуний шаҳрида яшайдиган фуқарога 32 миллион Россия рублига сотишган экан. Кўп ўтмай жиноятчиларнинг бошқа жиноий гуруҳлар билан ҳамкорликда иш юритганликлари аниқланди. Уларга нисбатан ҳам қидирув ишлари ўтказилиб, 60 дан ортиқ жиноят содир этган 35 жиноятчи қўлга олинди. Улардан кўп миқдордаги пул ва қимматбаҳо буюмлардан ташқари турли маркадаги 14 автомобиль ҳам топилди.

Тошкент шаҳрида содир этилаётган жиноятларнинг 30-40 фоизи қабиҳ ниятларда пойтахтимизга қадам босаётган шахслар томонидан содир этилаётганлиги боисидан ДАН ходимлари автомашиналарни,

кириш-чиқиш ва фуқаролик ҳамда Паспорт хизмати ходимлари эса фуқароларнинг шахсий ҳужжатларини зийраклик билан текширдилар.

ДАН хизмати ходимлари томонидан текширилган 50 мингдан ортиқроқ автомашинадан 10 мингга яқинининг ҳайдовчиси белгиланган қонун-қоидага тўла амал қилмаётгани аниқланди, 250 киши эса спиртли ичимликлар истеъмол қилган ҳолда автомашинани бошқаришга экан.

Ун кунга мўлжаллаб ўтказилган "Тозалаш" тадбири ниҳоясига етди. Бироқ бу тезкор тадбирлар тугади, дегани эмас. Аксинча самарали ўтаётган бундай саъй-ҳаракатлар тез-тез ва янада пухтароқ режалаштирилган тадбирларни ўтказишга даъват этиб туради. Милиция ходимларининг жиноятчиликка қарши бошлаган кескин кураши эса тезкор тадбирлар ўтказилмайдиган кунларда ҳам кескинлигича давом этаверади.

А. ХАЛИЛОВ,
Тошкент шаҳар ИИББ Матбуот хизмати
ходими, ички хизмат лейтенанти.

ЖИНОЯТГА ЖАЗО МУҚАРРАР

тадбирда, авваламбор, жамоатчилик фикрини билишга эътибор қаратилди. Шаҳарнинг барча туманларидаги маҳаллаларда ва жамоат жойларида 296 учрашув ўтказилди.

Тадбирга Тошкент шаҳар ИИББ бошлиғи, милиция генерал-майори К. Ғафуров ва унинг биринчи муовини Т. Худойбергеновлар бевосита бошчилик қилишиб, зарур чора-тадбирлар зудлик билан қўрилгани боис ҳар бир тезкор ҳаракат самарали яқунланди.

Натижада ўтган шу қисқа вақт мобайнида 480 та жиноятни фош этишга, қинғир ишга қўл уриб тергов ва суддан қочиб юрган 150 қонунбузарни ушлашга ва бедарак йўқолган 70 кишининг турар жойини аниқлашга эришилди.

Тошкент шаҳар ИИББ Жиноят-қидирув бошқармаси ходимлари "Тозалаш" тадбири ўтказилаётган дастлабки кунлардаёқ республикаимизнинг турли вилоятлари ва қўшни республикаларда кўплаб оғир жиноятлар содир этган жиноий гуруҳнинг ўндан ортиқ фаолларини қўлга олишди. Тез орада уларнинг турли кўринишдаги 26 жиноят содир этишгани аниқланди. Ўтказилган

Суратли ахборот

Бахтиёр Раҳимов
ички ишлар
идораларида 1980
йилдан бери хизмат
қилади. 1985 йилда у
Тошкентдаги ўрта
махсус милиция
мактабини сиртдан
тугатди. Ҳозир Б.
Раҳимов — Андижон
вилояти Қўрғонтепа
тумани ИИБ
навбатчилар
қисмининг катта
инспектори, милиция
катта лейтенанти.

Б. КЛЕЙМАН
олган сурат.



РЕЖАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Фарғона вилоятида 18 ёшгача бўлган ёшлар 1 миллиондан ортиқдир. Бу ёшлар ўртасида тарбиявий ишларни олиб бориш онла ва мактаб билан бир қаторда ИИБ балоғатга етмаган ёшлар билан ишлаш инспекторлари зиммасига катта масъулият юклайди.

Вилоят ички ишлар бошқармаси ВЕИН бўлими бу

борада кўпгина ижобий ишларни амалга оширяпти.

Ўтган беш ой мобайнида вояга етмаган ёшлар ўртасидаги жиноятчилик 30 фоизга камайди.

Яқинда Қўқон шаҳар болаларни қабул қилиш ва тақсимлаш муассасасида вилоят, шаҳар ва туманларнинг ИИБ ВЕИН инспекторлари иш-тироқида катта тадбир ўтказилди.

Унда ВЕИН ходимлари билан бирга Қашқадарё, Сирдарё, Андижон ва Наманган вилоятлари болаларнинг қабул қилиш ва тақсимлаш муассасаларининг раҳбарлари қатнашдилар.

Ингилган ВЕИН ходимлари ёшлар ўртасида жиноятчиликни камайтириш, улар билан ишлашни янада яхшилаш бўйича маслаҳатлашиб олдилар ва режалар белгиланди.

Б. ОМОНЗОДА.

Саҳифада

ТОШКЕНТ ШАҲРИ

МЕН бутун умрини милиция соҳасига бағишлаган, жамоа ўртасида обрў-этиборга сазовор, биз ешларга ўрнак бўлаётган ходим, милиция

қўринган, ҳар қандай таҳсинга сазовор ходимига айландилар.

Нурали ака нафақат иш билан, балки ўзларининг одоб-ахлоқ, инти-

дастурга айланиши керак", дейдилар.

Шу ўринда бир нарсасга эътиборингизни жалб этмоқчи эдим. Биз хизмат қилаётган бўлима сардорлари ўзларининг хушмуомала, қаттиққўл ва тўғри сиёсатлари билан ешларни келажагимизнинг порлоқ бўлишига янада ишонч туғдирмоқдалар.

Бўлимаимизда Нурали ака Тошпўлатовдай жонқуяр, камтарин фахрийлар борлиги сабабли ходимларимиз ўзларининг ижобий томонларини кўрсатиб келмоқдалар.

Ходимларимиздан милиция катта лейтенанти Равшанбек Аниязов, милиция лейтенанти Абдуҳалил Тошпўлатов, Алишер Норов, милиция старшинаси Махмуд Йўлдошев, милиция катта сержанти Хўжааҳмад Раҳматов, милиционерлар Абдурашид Ўрозалиев, Уқун Холиқовлар шулар жумласидандир.

Нурали ака Тошпўлатовга узок умр, оилаларида тотувлик тилаб қолиш билан бирга биз каби ешларни ватанга садоқат билан хизмат қилишдаги бераётган насиҳатлари учун миннатдорчилик билдирамиз.

Икром ҚУЛИЕВ,
оддий милиционер

Республикаимиз пойтахтининг Марказий универсал дўкони доимо гавжум. У харидорлар, сайёҳлар ва шунчаки томошабинлар билан тўла бўлади. Бундай олағовурда ҳар қандай тасодиф юз бериши мумкин. Бу ерда ҳуқуқ-тартибот жойида бўлиши учун масъул милиция ходимлари зиммасига юкланадиган жавобгарлик ҳам катта.

Суратда: Тошкент ИИББ қошидаги Қўриқлаш бошқармаси қўриқлаш бўлимининг ходими, милиция сержанти Е. Саидов харидор билан суҳбатлашмоқда.

Х. ШОДИЕВ олган сурат.



Бугунги кунда ўсмирлар билан ишлаш, уларнинг бўш вақтини маъмул ташкил этиш асосий вазифалардан бири бўлиб турибди. Зеро, ешлар ўртасида турли тартиббузарликлар ва жиноятчиликнинг олдини олиш кўпроқ ана шу омига ҳам боғлиқ. Айни пайтда соғлом авлодни камол топтириш учун ота-оналар, муаллимлар, маҳалла-кўй билан бирга милиция ходимлари ҳам бор куч-ғайратларини аямасирилар. Биз шундай инсонлардан бири, йигирма йилга яқин эғнида милиция формасини кийиб, ўсмирлар билан мулоқотда бўлаётган, Тошкент шаҳар ички ишлар Бош бошқармасининг воя етмаганлар билан ишлаш назориятининг катта инспектори, милиция майори Расима РАХМАТУЛИНА билан суҳбатлашдик.

— Расима Аҳмедовна, аввало ўзингиз ҳақингизда гапириб берсангиз. Аёл бўлатуриб нега айнан милиция соҳасини танлагансиз?

— Биласизми, ўрта мактабда ўқиб юрган кезларимдан ноҳақликка тоқатим йўқ. Биров-бировни ноҳақ хафа қилса ҳеч чидаб туrolмасдим. Мендан ешми, каттаими, қилаётган иши нотўғри бўлса шартта юзига айтишга одатланганман. Табиатимда болагимдан пайдо бўлган шу жиҳат туфайлими, Тошкент Давлат муаллимлар тайёрлаш институтининг тарих куллийетини битирсам ҳам, милиция соҳасига кириб ишладим.

— Умрингизнинг асосий қисми ўсмирлар орасида ўтиб, уларнинг гам-ташвиши билан яшаётганингиздан афсусланмайсизми?

— Аксинча. Бундан жуда фахрланаман. Ҳали кўп нарсасга ақли етмайдиган болакайларни тўғри йўлга бошлаш, уларга тўғри йўл-йўриқлар кўрсатиш, кези келганда ташвишига шерик бўлиш, қувончларини баҳам кўриш кишининг ҳаётини мазмунли қилар экан. Истагим, ўсмир ҳоҳ мактабда, ҳоҳ кўча-кўйда еки бошқа бирор жойда бўлмасин, ҳеч қачон кўнгли ўқимасин, беозор камол топсин.

— Пойтахтимизда балоғатга

етмаганлар томонидан содир этилаётган тартиббузарликлар ва қонунбузарликларнинг бугунги ахволи қандай?

— Очиги ўсмирлар ўртасида жиноятчилик ўсиб бормоқда. Бунинг асосий сабаби, бу масала билан кенг ж а м о а т ч и л и к шугулланмаётганидир. Милициядан бошқа бирорта муассаса еки ташкилот бу масалага жиддий эътибор бераётгани йўқ. Турар жойларда турли хил тўғараклар, спорт секциялари, хунармандчилик устоналари мавжуд бўлишига қарамай болалар жалб қилинмайди. Оқибатда улар бекор юриб, жиноятга қўл урмоқдалар. Яна бир томони, ўсмирларни ишга жойлаштириш ва хунар ўргатиш емон ахволда. Барча ҳаракатлар бирлаштирилмас экан, биргина милиция ходимлари томонидан олиб борилаётган чора-

тадбирлар билан қутилган натижага эришиб бўлмайди.

— Одатда маҳаллаларда ўсмирлар кам ҳолларда жиноятга қўл уришади. Кўп қаватли уйлар қад кўтарган маззеларда ҳам бунга эришиб йўллари борми?

— Бор! Шу пайтгача кўп қаватли уйларда одамлар "сен менга тегма, мен сенга" қабилида яшаб келишди. Маҳаллада эса ундай эмас. Агар кўп қаватли уйларда ҳам аҳиллик бўлса бунга эришиб мумкин.

— Туман ҳокимликларидан

қай йўсинда ташкил этилиши зарур деб ҳисоблайсиз?

— Болалар инспекторининг асосий вазифаси фақат тартиббузар ўсмирларни ҳисобга олишдан иборат бўлмай, тез-тез мактабга ташриф буюриб, тарбияси оғир ўқувчилар билан "профилактика" ишлари олиб бориши зарур. Педагогик жамоа билан ҳамкорликда прокуратура, суд ва милиция идоралари ходимлари иш-тирокида қонунбузарлик ҳақида суҳбатлар уюштириб туриши мақсадга мувофиқдир.

— Сизнингча болалар билан ишлаётган милиция вакили қандай бўлиши лозим?

— У аввало болаларни тушуна олсин. Мехрибон, уларга энг яқин дўст бўлсин. Болалар милиция инспекторининг олдида келиб бемалол фикр алмашиб, ўз дардларини очик-ойдин айтишга одатлансаларгина тарбияда ижобий натижаларга эришиб мумкин.

— Илгари пойтахтимиз марказий хўбонлари, истироҳат боғлари, кино-театрлари ва бошқа одамлар билан гавжум жойларда ота-оналар ҳамда муаллимлардан иборат назоратчилар фаолият кўрсатишгандан хабаримиз бор. Кейинги пайтда негадир бундай чора-тадбир қўлланилмапти...

— Бу усул қутилган натижани бермади.

— Ҳозирги кунда мактаб

етди. Пайсалга солмасдан охирига етказиш лозим.

Эшик тугмачасини босди. Ичкаридан, ким деган овозга жавобан уйга тез-тез ташриф буюрадиганлардан бирининг исмини айтди. Эшик очган аёлнинг бўзига паншахани тиради. Бечора аёл кўрканидан бакиришга ҳам улгурмади. Чўнтагидаги хориж тўппончасини чиқарди-да, овозингни чиқарсанг ўласан, деди. Аёлни телефон сими билан чандиб ташлади. Ҳаётда қутилмаган воқеалар жуда кўп учрайди. Бўлмаса, соҳибанинг дугонаси келиб-қелиб уни шу кунни йўқлайди. У ҳам дугонасининг ахволига тушди. Оёқ-қўллари боғланган дугоналар кўп қаватли уйнинг айвонида жим етишарди. Талончи эса бемалол ишларини бажарди. Уйдаги қимматбаҳо нарсалар билан бирга хорижда ишлаб чиқарилган "Голдстар" ойнаи жаҳони, "Шарп" магнитофонини олиб равона бўлди. Уёғи эса сизга юқоридаги лавҳадан маълум.

Чилонзор тумани йигирма иккинчи даҳасидаги уйлардан бирдан мол ўғирлаб олиб чиқиб кетаётган талончи узоққа кетмасдан қўлга олинди. Милиция кичик лейтенанти Шухрат Нарзиев ва йўл-патруль хизмати милиционерларининг фидойилиги натижасида у милиция бўлимига келтирилди. Тергов ишлари олиб борилмоқда.

ЭГАСИГА КАЙТАРИЛДИ

Қўлида гулдай хунари бор кишиларнинг қабих ишга қўл урганлигини эшитиб ёқангни ушлайсан.

Шаҳримиздаги В. Чкалов, номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг донги бутун дунга кетган. Бу ердан чиқарилаётган "оқ куш"ларга жаҳон бозорида талаб катта. Аммо ҳамма ҳам унинг доврuginи ошириш учун астойдил меҳнат қилмоқда, деб бўлмас экан. 1973 йилда туғилган Г. исмли шахс афтидан ўғирликни бойлик орттириш манбаи деб тушунган бўлса керак. Акс ҳолда кингир ишга қўл урардимиз?.. У Н. Толибованинг қўлидаги ҳаменни тортиб олдию қоча бошлади. Дод-фаред қилаётган аёлнинг овозини эшитган милиция ходимлари Мавлонов, Худаков, Абдуллаевлар талончининг кетидан қувиб кетишди. У узоққа қочолмади. 747 минг сўм-купон ва 39 минг Россия рубли жабрланувчига қайтарилди. Ҳозир бу иш бўйича ҳам тергов ишлари олиб борилмоқда.

М. АБДУЛЛАЕВ,

Тошкент шаҳар ИИББ матбуот гуруҳи ходими.

ТАШВИШНИНГ
ҚУВОНЧИ ҲАМ БОР

Дилкаш
суҳбатлар

балоғатга етмаганлар билан ишлаш комиссиялари фаолиятида расмиятчилик сезилади. Сиз бунга нима дейсиз?

— Жуда тўғри айтдингиз. Мен илгари воғга етмаганлар билан ишлаш комиссиялари аъзолари катта қизиқиш билан фаолият кўрсатишганини кўп кузатганман. Лекин негадир кейинги уч-тўрт йил ичида бу нарсга кузатилмаяпти. Шунинг ҳам таъкидлаш керакки, авваллари, комиссия дастлаб бизнинг, сўнгра ташкилотлар томонидан бириктирилган жамозтчи тарбиячиларнинг ҳисоботини эшитиб, муҳокама қиларди. Эндиликда бу нарсга йўқ. Яна бир томони, тартиббузарликка йўл қўйган ўсмирнинг хулқини муҳокама қилиш сифати олиб борилмаяпти.

— Мактаб жамоаси ва болалар назорияти вакилининг ҳамкорлиги

ешидаги болалар бозорларда турли хил салқин ичимликлар сотишяпти ва ҳар хил йўллар билан пул ишлашяпти. Улар айни билим олиб, хунар ўрганадиган пайтларда енгил даромад топиш пайига тушиб қолишгани кўпчилик қатори сизни ҳам ташвишга солаётган бўлса керак.

— Болани меҳнат қилиб пул топишга ўргатиш зарур деб ҳисоблайман. Аммо аввало у билим олсин, хунар эгалласин. Ўз ўғлини бозорда савдо-сотик қилишга қўйиб қўйган ота-оналар уларнинг ҳаёти хавф остида қолаётганини ўйлаб кўрмасалар керак. Чунки, ҳали балоғат ешига етмаган ўсмирлар бекатларда тўхтаб турган машиналарнинг йўлига чиқиб, ойна юйиб, пул топишяпти. Бу фалокатга олиб келиши мумкин-ку, ахир.

— Айни пайтда муस्ताкил юртимизда соғлом авлодни камол топтириш учун барча соҳа ки-шилари астойдил киришишган. Бу борада сизлар ҳам чора-тадбирлар белгилангансизлар?

— Жойларда ўсмирлар ўртасида "Гамхўрлик", "Ўсмир" каби турли хил тадбирлар ўтказилмоқда. Ўқувчиларнинг езги таътилда кўнглини хордик чиқаришлари учун инспекторларимиз уларга бош-қош бўлишди. Тарбияси оғир болалар асло назоратимиздан тушиб қолаётгани йўқ. Улар учун тоғ ет-бағирларидаги соғломлаштириш спорт оромгоҳлари мунтазир. Президентимиз таъкидлаганидек, соғлом авлодни тарбиялаш буюк давлат пойдеворини, фаровон ҳаёт асосини қуриш демакдир. Биз белгиланган барча режаларимиз келажақ авлоднинг баркамол бўлиб вояга етишига муносиб ҳисса қўшади, деган умиддамиз.

Суҳбатдош
Ортик МАҲМАЮСУПОВ.

27 июнь — матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кун

Куч-қувватимиз — муаллифларимиз туфайли

Хар қандай даврий нашрнинг киефасини бир талай таркибий бўлаклар белгилайди: улар орасида ижтимоий-сиёсий йўналганлик ҳам, қайси идора томонидан чиқарилиши ҳам, безатилиши ҳам бор, лекин муаллифлар доирасини юзага келтириш улар орасида кўп жиҳатдан асосий омил ҳисобланади. Аниқроқ қилиб айтсак, у — газетанинг содиқ дўстлари, фикрдошлари доирасидир.

1990 йилдан бошлаб қайтадан нашр этила бошланган «Постда» — «На посту» газеталари ана шу қисқа вақт ичида бир қанча ҳақиқий ердмчиларга эга бўлдики, улар бугунги кунда фаол муаллифларимиздир. Улар орасида «афакат» ички ишлар идораларининг ходимлари, балки ҳуқуқ-тартиботни ва қонунчиликни мустаҳкамлашга бел боғлаган турли касб эгалари ҳам бор. Газеталар таҳририяти фаол ердм берганликлари учун улардан миннатдор, бу нарсаси, албатта, нашрларимизнинг қизиқарли бўлишига, кенг танилишига, ўқувчилар билан жонли алоқа ўрнатилишига ижобий таъсир кўрсатади.

Бизнинг доимий муаллифларимиз орасида қуйидаги дўстларимиз бор:

Е. Зуев — Бухоро вилояти ИИБ матбуот гуруҳи катта инспектори, милиция майори;

С. Зоҳидов — Самарқанд вилояти ИИБ матбуот гуруҳи катта инспектори, милиция майори;

Ш. Аҳмедов — Тошкент вилояти ИИБ бошлигининг ўринбосари, милиция подполковниги;

М. Мирсовуров — Тошкент вилояти ИИБ бўлим бошлиғи, милиция подполковниги;

Б. Клейман — Андижонда чиқадиغان «Садоқат» газетасининг дими;

У. Ҳайдаров — Қашқадарё вилояти ИИБ матбуот гуруҳининг катта инспектори, милиция катта лейтенанти;

В. Горр — Тошкент шаҳар ИИБ матбуот гуруҳи бошлиғи, милиция майори;

Э. Раҳматов — Республика «Қўриқлаш» бирлашмаси бўлим бошлиғи ўринбосари, милиция подполковниги;

Ж. Матмусаева — Андижон вилояти ҳокимлиги меҳнат, бандлик ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бошқармаси ходими;

Е. Филатович — истеъфодаги ички хизмат полковниги;

А. Брайловский — Ўзбекистон Республикаси ИИБ ЖООБ катта инспектори, милиция майори;

Ш. Қўлдошев — Бухоро вилояти ИИБ матбуот гуруҳи инспектори, милиция майори;

И. Каримов — Наманган вилояти ИИБ матбуот гуруҳи катта инспектори, милиция майори;

Р. Жўраев — Ўзбекистон Республикаси ИИБ ЁСБ ходими, ички хизмат катта лейтенанти;

М. Будагов — «Динамо» физкультураспорт жамияти бўлим бошлигининг ўринбосари, ички хизмат капитани;


Н. Соков — Самарқанд вилояти ИИБ ЁСБ бошлиғи ўринбосари, ички хизмат подполковниги;

Б. Холмиров — ўрта хунартехника билим юрти ўқитувчиси;

Х. Мўйдинов — Ўзбекистон Республикаси ИИБ ЖТСБ алоҳида бўлинмасининг ходими, милиция старшиниси;

Ҳаммангизни Ўзбекистон Республикаси Матбуот ходимлари кун билан табриқлаймиз, мустаҳкам соғлиқ, осойишталик, янги-янги ижодий муваффақият ва ютуқлар, газеталаримиз саҳифаларида ўткир ва долзарб материаллар билан қатнашиб туришингизни тилаймиз.

«Постда» — «На посту»
газеталари таҳририяти.



ҲАММАМИЗ БИР ИШ БИЛАН МАШҒУЛМИЗ

ЭНГ АВВАЛ сўз пайдо бўлган деган машҳур ҳақиқатни шубҳа остига қўйиш қийин бўлсада, бевосита газетани нашр этишни назарда тутганда, уни бемалол янги талқин этиш мумкин — энг аввал ҳар ҳолда иш пайдо бўлган. Бугунги кунда мустақил Ўзбекистон матбаа саноатининг шубҳасиз байроқдори бўлган «Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг кўп қиррали фаолияти ана шу фикрни тасдиқламакда.

Узингиз баҳо беринг. Концерн эликлан зиёд газета ва йигирмадан ортқ журнални чоп этмоқда, булардан ташқари қороздан турли маҳсулотлар тайерлайди, китоблар ҳам чиқаради.

Бу ерда энг илғор техника ва технология, офсет ва рангли босмадан кенг фойдаланилмоқда. Газеталарнинг кўпчилиги компьютер асосида териш ва саҳифалашга ўтказилди, бу албатта, босма сифатига, газеталарнинг техник ва бадиий ижросига ижобий таъсир кўрсатади.

Қолган даврий нашрларни ҳам териш ва саҳифалашнинг замонавий усулларига ўтказиш бўйича маълум чоралар амалга оширилмоқда, бунинг учун ҳозирги пайтда тегишли ускуналар харид қилинмоқда, юқори малакали ходимлар тайерланмоқда.

Ҳа, энг аввал сўз ҳам, иш ҳам пайдо бўлмаган, энг олдин одамлар пайдо бўлган. Шундай десак тўғрироқ бўлади.

Концерн ходимларининг ишбилармонлиги, газета вакиллари (бу ерда сўз «Постда» — «На посту» газеталари ҳақида бормоқда) эътибор ва хайрихоҳлик билан муносабатда бўлишлари сабабли газеталар муштарийлар қўлига ўз вақтида етиб бормоқда, зарур ахборот бериб, уларни янги билимлар билан бойитмоқда.

Қисқаси, республика Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кун арафасида хурматли муштарийларимиз эътиборига улар севиб мутлоа қиладиган газета журналистларининг меҳнатини рўбга чиқараётган кишилар ҳақида суратли мўъжаз ҳикояни тақдим этмоқчимиз.

Суратсиз чиқадиغان газета бўлмаса керак. Фотосуратлар газетада пайдо бўлишидан олдин Л. Зайцева раҳбарлик қиладиган суратлар бўлими ходимлари қўлидан ўтади. Суратчилар Г. Габбасов (юқоридаги суратда) ва Ю. Солодовников диапозитивларни тайерлаб, монтаж цехига юборадилар.

Айни вақтда газета мусахҳихлари Т. Икромов ва Л. Муҳаммаджонова (юқори томондаги суратда) уни диққат билан ўқиб, ўтиб кетиши мумкин бўлган хатоларнинг йўлини тўсди.

Шу паллада компьютер цехида мақолалар матни терилади, саҳифаланади ва хатолари тузатилади. Бунда ЭХМ операторлари Ж. Гуртыченко (суратда у мусахҳих Ш. Обидова билан олдинда турибди), И. Лочин, Е. Чугунова, Л. Бинашевлар маҳорат кўрсатишади.

Газета саҳифаларини қабул қилиш цехида уларнинг сифати қаттиқ назорат қилинади (электромеханик С. Веретинниковни ана шу иш устида қўриб турибсиз), сўнгра улар монтаж цехига берилади.

Монтажда саҳифалар деярли тугалланган кўриниш касб этади, чунки айни шу ерда монтажчилар (суратларда сиз С. Гарифуллина, А. Хан, Э. Жўраевни қўриб турибсиз) саҳифаларга сурат диапозитивларини епиштирадилар.

Ишнинг бу ери киме билан боғлиқ. Йигирма йилдан ортқроқ иш тажрибасига эга бўлган гальванотипчи М. Минвалиев (суратда) саҳифаларни пленкадан металлга ўтказди, унинг тажрибали ҳамкасби В. Шаповаловни (суратда) газета саҳифаларини очилтириш пайтида қўриб турибсиз.

Газетани чоп этиш жараяни якунланмоқда. Матбаачи А. Голубев (чапда) ва босиш цехи бошлиғи М. Абдурахмонов чоп этиш машинаси олдида газетанинг янги сони билан туришибди.

Ҳамкасбларимизни касб байрамлари билан табриқларканмиз, уларга сўхат-саломатлик, бахт, ижодий ишлаш қайфияти ва биз, газетчилар билан ўзаро ҳамкорлик асосида ишлашларини тилаймиз. Ҳа, ҳаммамиз биргаликда битта иш билан машғулмиз.

А. СЕНАНОВ.



Тошкент вилояти ҳудудида 1994 йилнинг 5 ойи мобайнида 524 та йўл-транспорт ҳодисаси юз берди. Бунда 72 киши ҳалок бўлди, 608 киши тан жароҳати олди.

ВИЛОЯТ ДАВЛАТ автомобиль назорати бошқармаси ходимлари йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, энг муҳими, йўловчиларни фалокатдан асраш борасида кўпгина ибратли тадбирларни амалга ошириб келмоқдалар. Йил бошидан ўтказилаётган «Мотоцикл», «Тоза ҳаво», «Диққат, темир йўл» каби бир қатор тадбирлар ўзининг ижобий самарасини берди, яъни йўл-транспорт ҳодисаси ўтган йилдагига қараганда 62 та кам бўлди. Шундай бўлсада, 1994 йилнинг 5 ойи мобайнида автобус ҳайдовчилари томонидан 36 та бахтсиз ҳодиса содир этилди, бунда 4 та фуқаро ҳалок бўлди ва 57 та фуқаро ҳар хил тан жароҳати олиб касалхоналарга етказилди.

Масалан, 8 апрель кун соат 17.30 ларда Бекобод автобус-таксомотор саройи ҳайдовчиси А. Усмонов ўзига бириктирилган ЛАЗ-695 русумли автобусни Галаба кўчаси бўйлаб бошқариб кетаётган қарама-қарши томондан келаётган УАЗ-452 русумли автомашина билан тўқнашди. Натижада УАЗ автомашина ҳайдовчиси А. Абдуллаев жароҳатланди.

17 апрель кун соат 10.30 ларда Тўйтепа АТП ҳайдовчиси М. Махаматов ЛАЗ-695 русумли автобусини тикув фабрикаси олдидаги бекатдан кўзгатаётганда эшикни епмаган ва йўловчи У. Ҳайтова тушиб кетиб тан жароҳати олган.

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, автохўжалик ва автобус саройлари раҳбарларининг эътиборсизлиги сабабли бундай хунук ҳодисалар рўй бермоқда. Улар ҳайдовчилар орасида интизомни мустаҳкамлаш, автокорхоналарнинг техник тайергарлигини ошириш, ҳайдовчилар ҳаракатини очиқ ва яширин назорат қилиш ишларини бўлаштириб юборганлар. Натижада ҳайдовчилар ҳаттоки автобусларни маст ҳолда бошқармоқдалар. Ўтган давр мобайнида фуқароларни ташиш билан шугулланадиган ҳайдовчилар 930 маротаба йўл ҳаракати қондасини бузганликлари қайд этилди, жумладан, 10 та ҳайдовчи транспорт воситаларини маст ҳолда бошқариб кетаётганда ДАН ходимлари томонидан ушланди.

Техник носоз автобусларни йўлга чиқариш ҳам катта ташвиш келтирмоқда. Ўтган 5 ойда жойлардаги ДАН бўлинмалари ва бошқарма ходимлари томонидан 2,5 минг автобуснинг техник ҳолати текширувдан ўтказилди. Шуларнинг 271 тасида йўл ҳаракати қондасига ҳавф тугдирувчи нуқсонлар борлиги маълум бўлди. Уларнинг ишлатилиши вақтинча тўхтатиб қўйилди.

Ҳайдовчилар орасида интизомни кучайтириш, йўл ҳаракатлари қоидаларини тарғиб қилиш, автобуслардан фойдаланиш ҳамда уларнинг сақланишини тўғри йўлга қўйиш мақсадида вилоятимиз ҳудудида «Автобус» тадбири ўтказиш кизгин давом этмоқда.

А. ҚУШБОВ,
Тошкент Вилояти Давлат автомобиль назорати бошқармаси ходими, милиция капитани.

Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт •

ДИНАМОЧИЛАР СТАРТДА

ХУҚУҚНИ муҳофаза қилиш идораси ходими ўз касбининг тақозосига кўра доимо спортчилар сингари жисмонан чиниққан бўлиши керак, зеро бу ҳол унга нафақат безори ёки қуролли жиноятчи билан олишувда ғолиб чиқиш имконини беради, балки ҳуқуқ-тартибот посбонининг ишига хос бўлган катта маънавий ва жисмоний зўриқишлардан халос қилади. Бинобарин, ходимларнинг жисмоний жиҳатдан юқори даражада тайёргарлик кўрганлиги жиноятчиларга қарши курашнинг самарадорлигини оширишга ижобий таъсир этувчи муҳим омиллардан биридир. Бухоро вилоят ИИБ бошлиғи, милиция полковниги Б. Матлубов, вилоят ҳуқуқни муҳофаза қилиш

идоралари, ходимларининг спартакиадаси очилиши муносабати билан мусобақа иштирокчиларини табриклаб, бошқарма раҳбарияти бу масалага жуда катта эътибор бераётганини таъкидлади. Ички ишлар барча бўлинмаларида, шаҳар ва туман идораларида йўриқчилар раҳбарлигида ҳар ҳафтада махсус дастурлар бўйича жисмоний тайёргарлик машқлари ўтказилади, жанговар, яккама-якка курашлар секциялари ишлаб турибди. Бухородаги "Динамо" ўйингоҳида анъанавий тарзда ҳар йили ўтказиладиган спорт байрами шахсий таркибининг жисмоний тайёргарлик даражасини такомиллаштириш, ички ишлар идоралари ходимлари ўртасида

физкультура ва спортни тарғиб қилишнинг ўзига хос кўригига айланганини таъкидлаш лозим. Байрамда. Энг кучли жамоа ҳам номини олиш учун жами 600 дан зиёд иштирокчиси бўлган 20 жамоа қатнашди.

Ўйингоҳнинг чопиш йўлкалари ва футбол майдонидаги беллашувлар, спортчиларнинг эҳтирослари жўшиши бу ерга йиғилган мухлисларни лоқайд қолдирмади.

Кескин ва шиддатли ўтган армреслинг бўйича мусобақалар томошабинларда катта қизиқиш уйғотди. Ушбу турда Шофиркон туман ИИБ жиноят қидирув бўлимининг тезкор вакили, милиция катта лейтенанти Сайфулло Абдуллаев энг кучли деб топилди. Иккинчи ва учинчи ўринларни Вобкент туман ИИБ катта участка вакили, милиция капитани Ғайрат Хайруллаев ва Жондор туман ИИБ қўриқлаш бўлими ходими, милиция сержанти Равшан Зоиров эгаллади.


Арқонни тортиш мусобақалари ҳам томошабинлар билан гавжум бўлди. Унда вилоят ИИБ ДАН бўлими ходимлари ғолиб чиқишди, иккинчи ва учинчи ўринларни Файзулла Хўжаев ва Пешку туман ИИБ жамоалари эгаллашди.

5000 метрлик кросс қатнашчилари нафақат спортчи сифатида чиниққанликларини, балки ғалабага бўлган иродаларини, чидамли эканликларини намойиш этишлари керак эди. Жазирамада бундай масофани босиб ўтиш осон эмас, албатта. Маррага биринчи бўлиб келган Жондор туман ИИБ қўриқлаш бўлимининг ходими, милиция старшинаси Ахтам Болтаев ва унинг ортидан масофани босиб ўтган вилоят ИИБ ЁСБ 3-ўт ўчириш бўлими сардори, ички хизмат старшинаси Акрам Жўраев ва Ғиждувон туман ИИБ қўриқлаш бўлими ходими, оддий милиционер Исрол Норовлар ҳақиқий спортчи эканликларини амалда намойиш этишди.

Вилоят ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг жамоалари бир ой давомида футбол турнирининг финал қисмига чиқиш ҳуқуқи учун мусобақалашдилар. Майдонда бир-бирига муносиб рақиблар: вилоят ИИБ ва прокуратурасининг футболчилари беллашдилар. Кескин кураш билан ўтган иккала тайм ҳам, берилган қўшимча вақт ҳам ғолибни аниқлаб бермади. Фақат ўн бир метрдан моҳирона урилган тўп мусобақани яқунлади: вилоят прокуратурасининг футболчилари биринчи ўринни эгаллашди. Учунчи ўрин Ғиждувон туман ИИБ жамоасига насиб этди.

Е. ЗУЕВ,

Бухоро вилоят ИИБ матбуот гуруҳи раҳбари, милиция майори.
СУРАТЛАРДА: мусобақа ва намунали чиқишлардан лавҳалар.
Муаллиф олган суратлар.



Қаранг-а!

ИЧА-ИЧА УНУТИШДИ

"Труд" газетаси марҳумнинг ичкиликбоз қариндошлари ўликхонадан мурдани адаштириб бошқаникини олиб кетиб кўмганлари ва кейин қазиб олганлари ҳақида ёзганди. Поддорье кишлоғида эса бундан ҳам ғалатиноқ воқеа юз берди. У ерда бир кампирни қариндошлари етти кун кўма олмадилар, чунки ҳаммалари "поминка"га муккасидан кетиб қолдилар. Фақат маҳаллий маъмуриятнинг аралашувиғина уларни ўз мажбуриятларини бажаришга мажбур қилди.

АТАЙЛАБ ҚИЛГАНДАЙ

УФАДАГИ курилиш-таъмирлаш бошқармасининг ёш сантехники роса тўйиб ичиб, хотини билан жанжаллашгандан кейин зангори экран олдида ўтириб сал ўзига келмоқчи бўлди. Лекин шу пайт худди ақсига олгандай, маҳаллий телевидение орқали ичкиликбозликка қарши кураш мавзусида кўрсатув бошланди ва ҳадеб пиянисталик танкид қилинаверди. Бундан газабга келган пияниста телевизорни шартта кўтариб тўртинчи қават деразасидан отиб юборди.

Мухаррир •
Зокир ОТАЕВ

МАНЗИЛГОҲИМИЗ:
700029, Тошкент,
Наврўз кўчаси, 1.

Газета ҳафтанинг жума кунлари чиқади.

- Кўчириб босишда «Постда»дан эканлигини кўрсатиш шарт.
- Мақолада келтирилган рақамлар, фактлар ва бошқа маълумотлар учун, шунингдек, очик эълон қилиниши мумкин бўлмаган маълумотлар учун муаллиф жавобгар ҳисобланади.
- Муаллифнинг мулоҳазаси таҳририят фикрига мос тушмаслиги мумкин.
- Қўлёзмалар таҳлил қилинмайди ва қайтарилмайди.

«ШАРҚ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1, 2, 3, 4, 5, 6.

Ўроқ КАЛОНОВ



Бевакт ўлим ажойиб инсон, меҳрибон дўст ва кадрдонимиз. Нишон тумани ИИБ участка вакили, милиция катта лейтенанти Ўроқ Калоновни 31 ёшида орамиздан олиб кетди.

Ўроқ Калонов Ғузор туманида туғилган. Ҳарбий хизматдан қайтгач, ҳаётини халқ

осойишталигини таъминлаш иши билан боғлашга қарор қилиб, 1990 йилда участка вакили вазифасида хизматни бошлади.

Ў. Калонов ўзига юклатилган вазифаларни сидқидилдан бажарар, шахсий таркиб ўртасида доимо ўрнак эди. Аллоҳ унинг қолган умрини фарзандларига берган бўлсин. Улар оталарининг орзуларини, амалга ошира олмаган ишларини давом эттиришсин.

Ўроқ Калоновнинг ерқин хотираси қалбларимизда абадий сақланиб қолади.

Нишон тумани ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби.

ТАНЛОВГА МАРҲАМАТ!

Ички ишлар идораларига милиционер ва милиционер-ҳайдовчи лавозимларига танлов орқали ишга қабул қилиш эълон қилинади. Ишга кириш истагини билдирган кишилар Тошкент шаҳрида ёки Тошкент вилоятининг яқин атрофида доимий турар-жойга эга бўлиши, ҳарбий хизматга лойиқ бўлиши, ёши 30 га тўлмаган, бўйи 170 см.дан баланд бўлиши шарт.

Мурожаат учун манзилгоҳ: Тошкент шаҳри, К. Цеткин кўчаси, 58-уй. Тошкент шаҳар ИИББ қошидаги "Қўриқлаш" бошқармасининг ходимлар бўлими.

Телефон: 56-61-87.

ЭЪЛОН

1992 йилда Тошкент шаҳридаги 79-ўрта мактаб томонидан Ровшан Нариманович УМАРОВ номига берилган 191504 рақамли етуқлик аттестати йўқолгани сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ҚИДИРИЛМОҚДА

Тошкент шаҳар Яққасарой тумани Ички ишлар бўлими томонидан 1948 йилда туғилган Ғўзал Борисовна БУХАРОВА қидирилмоқда. У — Тошкент шаҳрининг Ўзгариш кўрғонидаги Ҳамза кўчаси 34-уйида яшайди. Бухарова 1994 йил 21 апрелда ишхонасидан чиққан ва уйига қайтиб келмаган.

Белгилари: юзи чўзинчоқроқ, сочлари тўлқинсимон, оқиш, калта, қошлари ейсимон, бурни тўғри, лаблари юпка, кўзи кўк.

Кийими: эғнида қора камзул, оқ кўйлак, оёғида ялтироқ қора туфли бўлган.

Г. Бухарованинг кейинги тақдирдан хабари бўлган фуқаролардан энг яқин милиция



бўлимига ёки 55-94-96, 55-98-21 ва 02 рақамли телефонлар орқали хабар беришларини сўраймиз.

4/18-уйида яшайди. 1994 йилнинг 1 июнида эрталаб иш жойига — Чирчик шаҳридаги пойабзал фабрикасига йўл олган ва бедарак йўқолган.

Белгилари: бўйи 165 см, озғин, юзи чўзинчоқ, сочлари қора, узун, жингалак, кўзи қора, қирғий бурун, лаби қалин.

Алоҳида белгилари: чап еноғида кўз остида хол, ўнг қўли панжасида бош бармоқ билан кўрсаткич бармоқ ўртасида диаметри 1 см бўлган думалоқ чандик бор.

Кийими: ялтироқ сарик тугмалари бўлган қора синтетик кофта, синтетик юбка, оёғида жигарранг боғичли шиппак бўлган.

Г. Қолдибоевнинг кейинги тақдирдан бохабар фуқаролардан бу ҳақда энг яқин милиция бўлимига ёки 02 рақамли телефон орқали хабар, беришларини сўраймиз.



Тошкент вилояти Бўстонлик тумани ИИБ томонидан 1974 йилда туғилган Гулнора Буркитовна ҚОЛДИБОЕВА қидирилмоқда. У Бўстонлик туманидаги Озодбош кўрғонида, Хлопковая кўчасининг

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги раҳбарияти бўлим бошлиғи муровни, милиция подполковниги Маъмуржон Исоқович Қорабоевга падари бузруквори

ИСОҚ отанинг

вафот этганлиги муносабати билан ҳуқуқ ҳамдардлик нзҳор этадилар.

Обуна рақами — 64615.
42.104 нусхада босилди.

ТЕЛЕФОНЛАР:
муҳаррир — 39-70-40,
муҳаррир ўринбосари — 39-77-23, масъул
котиб — 59-29-66,
муҳбирлар бўлими —
59-20-92, умумий
бўлим — 59-21-21.